Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси
Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси
Солиқ ва божхона органлари Академияси

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига четдан истеъмол товарлари олиб келувчи

# ТАДБИРКОРЛАР УЧУН ТАВСИЯНОМА

Тошкент – 2002

КИТОБ ШУ ЕРДА КУРСАТИЛГАН ВАҚТДА ҚАЙТАРИЛИШИ ШАРТ

| Китобхон №№ | Вақти | Имзо |
| --- | --- | --- |
| | | |
| | | |
| | | |
| | | |
| | | |
| | | |
| | | |
| | | |
| | | |
| | | |
| | | |

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси
Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси
Солиқ ва божхона органлари Академияси

# Ўзбекистон Республикаси ҳудудига четдан истеъмол товарлари олиб келувчи ТАДБИРКОРЛАР УЧУН ТАВСИЯНОМА

POLITEXNIKA
RESURS
INV № 4243/6

Тошкент – 2002

Ушбу тавсияномадан Давлат солиқ ва божхона хизмати ходимлари, тадбиркорлар, ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланувчи фуқаролар четдан товар олиб келиш тартиби, ҳужжатларни расмийлаштириш, солиқ ва божхона тўловларини тўлаш бўйича ўз билим ва малакаларини ошириш мақсадида фойдаланишлари мумкин.

**Тузувчи муаллифлар: Ш. Ш. Шораҳмедов**
**И. Р. Асқаров**
**А. А. Намозов**

**© Солиқ ва божхона органлари Академияси, 2002 йил.**

# Кириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил якунларига бағишлаб 2002 йил 14 февралда ўтказилган йиғилишида Президент Ислом Абдуғаниевич Каримов «Ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари» мавзусидаги маърузасида, солиқ ва божхона тўловларини соддалаштириш зарурлигини алоҳида таъкидлаб ўтган.

Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни жаҳон бозорига чиқариш учун ҳар томонлама имконият яратиш, четдан келтирилаётган товарлар учун давлат томонидан белгиланган бож тўловларини ўз вақтида ундириш мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришнинг асосий омилларидан биридир.

Бозорларда сифатсиз товарларнинг сотилишига чек қўйиш, четдан олиб келинган товарларни асоссиз равишда кўп қўллардан ўтишига барҳам бериш истеъмолчилар манфаатларини ҳимоя қилишнинг асосий усуллари эканлиги ривожланган давлатлар тажрибасидан маълум. Четдан товар олиб келишни тартибга солиш ва аҳоли манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг бир қатор қарорлари қабул қилинди. Ушбу рисола четдан истеъмол товарлари олиб келишга доир баъзи меъёрий ҳужжатларни тадбиркорлар томонидан ўрганиш ва уларни амалиётда тўғри қўллашга кўмаклашиш мақсадида ёзилди.

Рисолада товарларнинг божхона қийматини ҳисоблаш, божхона тўловларини ундириш бўйича амалиётда учраб турадиган мисоллар келтирилган. Шунингдек озиқ – овқат ва ноозиқ – овқат истеъмол товарларини четдан олиб келиш ва сотиш тартиблари изоҳланган.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2002 йил 25 сентябрда рўйхатга олинган «Ўзбекистон Республикасига олиб кириладиган ноозиқ – овқат истеъмол товарлари рўйхати» рус тилида келтирилди.

Четдан олиб келинадиган сертификатлар ҳамда дистрибьюторнинг рўйхатларини тақдим этиш тартиблари баён этилган.

Шу билан бирга ушбу тавсияномада четдан товар олиб келиш тартибларини мукаммал ўрганувчилар учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг айрим қарорлари ва адабиётлар рўйхати ҳам берилди.

Ушбу тавсияномадан солиқ ва божхона хизмати ходимлари, тадбиркорлар, четдан товар олиб келувчилар, умуман ташқи иқтисодий фаолият билан қизиқузчилар ўз билим савияларини ошириш мақсадида фойдаланишлари мумкин.

Қўлланмада келтирилган мавзулар тавсия характерига эга, уни камчиликлардан ҳоли деб бўлмайди. Рисола ҳақидаги фикр – мулоҳазаларингизни қуйидаги манзилгоҳга юборишингизни сўраймиз.

Тошкент шаҳар, Собир Юсупов кўчаси, 3 – уй.
Солиқ ва божхона органлари академияси.

## Жисмоний шахслар томонидан товарлар олиб келишга қўйиладиган талаблар

2002 йил 6 майда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келишни тартибга солиш тўғрисида»ги 154—сонли қарори қабул қилинди. Ушбу қарорга биноан жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб келинган товарларни божхона расмийлаштирувидан ўтказишни соддалаштириш мақсадида қўшилган қиймат солиғи, божхона божлари ва йиғимлари ўрнига ягона божхона тўловларини жорий этиш кўзда тутилган. Божхона тўловларини ундиришнинг соддалаштирилган тартиби 2002 йил 1 июндан амалиётга жорий этилди. Ушбу тартибга биноан, акциз солиғи ундириладиган товарлардан эса, ягона божхона тўловларидан ташқари тегишли миқдорда акциз солиғи ҳам ундирилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 27 сентябрда «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг республика ҳудудига жисмоний шахслар томонидан товарлар олиб келишни тартибга солишга доир айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги 335—сонли қарори қабул қилинди.

Ушбу қарорда товарлар учун қўлланиладиган халқаро код рақамлари ҳамда товар қаерда ишлаб чиқарилганидан қатъий назар товарнинг божхона қийматидан ундириладиган тўловларнинг фоизлардаги миқдори белгилаб берилди. Аҳоли манфаатларини инобатга олиб озиқ—овқат маҳсулотлари учун алоҳида имтиёзлар белгиланди. Тижорат мақсадлари учун четдан олиб келинган ундан ягона божхона тўлови ундирилмайди. Бошқа озиқ—овқат товарларининг божхона қийматидан 40%, ноозиқ—овқат товарлари учун эса, товарнинг божхона қийматидан 70% миқдорда ягона божхона тўлови ундирилиши белгилаб берилди.

2002 йил 1 октябрдан бошлаб товарларни Ўзбекистон Республикасига олиб келишда жисмоний шахслардан ундириладиган ягона божхона тўлови хорижий валютага йиғим тўланадиган кунда вужудга келган талаб ва таклифдан келиб чиққан ҳолда белгиланган тартибга ва тасдиқланган миқдорларга мувофиқ эркин курс бўйича миллий валюта — «сўм»да тўланиши белгиланди.

Қуйида, жисмоний — шахслар томонидан озиқ — овқат товарларидан шакар ва ноозиқ — овқат товарларидан бўёқ маҳсулотларини четдан тижорат мақсадида республикамизга олиб келинганда, божхона тўловларини ҳисоблаш ва ундиришга доир мисоллар келтирилган.

## Жисмоний шахслар томонидан тижорат мақсадида олиб келинаётган товарлар учун божхона тўловларини ҳисоблаш

### 1—мисол

Жисмоний шахс Украинадан тижорат мақсадида умумий қиймати 8500 АҚШ доллари миқдорида шакар олиб келмоқда. Йўл харажати ва суғурта 1500 АҚШ доллари ҳисобида. Курс бўйича 1 АҚШ доллари — 800 сўмга тенг.

Ушбу озиқ — овқат маҳсулотини божхона расмийлаштирувидан ўтказишда божхона тўловлари қуйидаги тарзда ҳисобланади.

**I. Товарнинг божхона қиймати (Бқ)ни** топиш учун товарнинг ҳисоб варақ — фактурадаги (8500 АҚШ доллари) нархига йўл ва суғурта харажатлари (1500 АҚШ доллари) қўшилади. Яъни:

Бқ = 8500$ + 1500$ = 10000$ x 800сўм = 8000000 сўм

1. Товарнинг божхона қиймати (Бқ)дан божхона расмийлаштируви учун 0,2% миқдорда йиғим олинади.

8000000 сўм x 0,2% = 16000 сўм

2. Товарнинг божхона қийматидан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан 2002 йил 5 мартда рўйхатга олинган 1101 — сонли йўриқномага асосан ҳисобланиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

Маҳкамасининг 2002 йил 17 июндаги 215–сонли қарорининг иловасида кўрсатилган акциз солиғи ставкалари бўйича шакар учун 20% ундирилади.

8000000 сўм х 20% = 1600000 сўм

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 27 сентябрдаги 335–сонли қарорига асосан жисмоний шахслар томонидан тижорат мақсадида четдан олиб келинаётган, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1148–сонли рақам билан рўйхатта олинган «Ягона божхона тўловларини ҳисоблаш ва давлат бюджетига ўтказиш тартиби ҳақида»ги Низомнинг иловасида кўрсатилган озиқ–овқат товарлардан 40% миқдордаги ягона божхона тўлови ҳисобланади.

8000000 сўм х 40% = 3200000 сўм

Жами божхона тўловлари 16000 сўм + 1600000 сўм + 3200000 сўм = 4801600 сўмни ташкил этади.

Демак, жисмоний шахслар томонидан тижорат мақсадида Украинадан 10000 АҚШ доллари божхона қийматидаги олиб келинган шакар маҳсулотидан жами 4801600 сўм миқдорида божхона тўлови ҳисобланади.

## 2–мисол

Жисмоний шахс Германияда ишлаб чиқарилган ҳар донаси 5 литрдан бўлган полни бўяш учун 1393 дона банка бўёқни Россиядан тижорат мақсадида олиб келмоқда. 1 дона банкадаги бўёқнинг ҳисоб варақдаги нархи 110 Россия рубли, йўл харажатлари 12000 Россия рублини ташкил этади. Курс 1 рубл – 40 сўм, 1 АҚШ доллари 800 сўм.

**Товарнинг божхона қиймати (Бқ)ни** топиш учун товарнинг ҳисоб варақдаги (1393 х110 рубл = 153230 рубл) нархига йўл харажатлари (12000 рубл)ни қўшамиз. Яъни:

Бқ =153230 рубл + 12000 рубл = 165230 рубл

Ушбу 165230 рублни курс бўйича миллий валютамиз «сўм»га айлантирилганда товарнинг божхона қиймати қуйидагича бўлади:

Бқ =165230 рубл x 40 сўм = 6609200 сўм

1. Товарнинг божхона қиймати (Бқ)дан божхона расмийлаштируви учун 0,2% миқдорда йиғим олинади.

6609200 сўм x 0,2% = 13218 сўм

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 майдаги 154–сонли ва 2002 йил 27 сентябрдаги 335–сонли қарорларига асосан жисмоний шахслар томонидан тижорат мақсадида четдан олиб келинаётган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1148 рақам билан рўйхатга олинган «Ягона божхона тўловларини ундириш ва давлат бюджетига ўтказиш тартиби ҳақида»ги Низомнинг иловасида кўрсатилган ноозиқ–овқат товарларининг божхона қийматидан 70% миқдорда ягона божхона тўлови ҳисобланади.

6609200 сўм : 70% = 4626440 сўм

3. Ушбу товар акциз солиғига тушмайди.

Германияда ишлаб чиқарилган божхона қиймати *6609200 сўм миқдоридаги* бўёқ маҳсулотини жисмоний шахс тижорат мақсадида Россиядан олиб келганда, жами:

13218 сўм + 4626440 сўм = 4639658 сўм миқдорда божхона тўловлари ҳисобланди.

Шу билан бирга ушбу қарорда Ўзбекистон Республикаси ҳудудига четдан олиб келинганлигини ва божхона тўловлари тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлган тақдирдагина экспорт–импорт операцияларини амалга ошириш улгуржи ва чакана савдо қилиш ҳуқуқи билан якка тартибдаги тадбиркорлар сифатида рўйхатдан ўтказилган жисмоний шахслар ўз товарларини сотишларига рухсат берилиши қайд этилган. Шунингдек, алкоголли ва тамаки маҳсулотларини сотувчи улгуржи ва чакана савдо субъектларини Ўзбекистон Республикаси прокуратураси ҳузуридаги Солиққа оид жиноятларга қарши кураш департаменти, Давлат солиқ хизматига режадан ташқари текшириш мумкинлиги қайд этилган.

## Жисмоний шахслар томонидан тижорат мақсадида келтирилган товарларни инвентаризациядан ўтказиш тартиби ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2002 йил 10 июнда 1148 — сонли рақам билан рўйхатга олинган Низомга асосан 2002 йил 1 июндан бошлаб, белгиланган тартибда, ҳокимият томонидан рўйхатдан ўтмаган, экспорт — импорт жараёнларини амалга ошириш ҳамда улгуржи ва чакана савдо қилиш ҳуқуқига эга бўлмаган жисмоний шахслар томонидан тижорат мақсадида олиб келинган товарларни тегишли божхона режимига олиниши белгиланди. Шунингдек, 2002 йил 1 июлгача рўйхатдан ўтган, экспорт — импорт операцияларини амалга ошириш ҳамда улгуржи ва чакана савдо қилиш ҳуқуқига эга бўлган жисмоний шахслар томонидан олиб келинган товарларни сотувчи юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар ўзларидаги бундай қолдиқ товарларни инвентаризациядан ўтказишлари шартлиги кўрсатилди. Инвентаризациянинг якуний натижалари бўйича 2002 йил 1 июнга ушбу товарларнинг миқдори, сони ва қиймати тўғрисида далолатнома тузилади. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси ҳузуридаги Солиққа оид жиноятларга қарши курашиш департаменти ходимларига текшириш ўтказиш даврида инвентаризация далолатномасини ҳисобга олиниши кўрсатиб ўтилди.

## Ўзбекистон Республикаси ҳудудига истеъмол товарларини олиб келиш тартиби ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига истеъмол товарлари олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида»ги 2002 йил 11 июлдаги ПФ — 3105 сонли Фармонини бажариш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 20 сентябрдаги 327 — сонли. Вазирлар Маҳкамасининг

«Республикага истеъмол товарлари ноқонуний олиб келиниши ва сотилишининг олдини олиш чора—тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 19 июлдаги 257—сон қарорига ўзгартиришлар киритиш ҳақида» ги қарори қабул қилинди.

Ушбу қарорга биноан ноозиқ—овқат истеъмол товар—лари (4—жадвалга қаранг: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2002 йил 25 сентябрда 1175—сонли рақам билан рўйхатга олинган Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Молия вазирлиги ва ТИАВ нинг 2002 йил 7 сентябрдаги қарори "Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасига олиб кириш мумкин бўлган истеъмол товарларининг рўйхати") юридик шахслар томонидан импорт қилинганда товарни ташқи иқтисодий фаолиятда қўлланиладиган халқаро код рақамидан ва келиб чиқиш мамлакатидан қатъий назар товарнинг божхона қийматидан 20% миқдорида миллий валюта «сўм»да йиғим ундирилиши белгилаб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг *2002 йил 19 июлдаги* «Республикага истеъмол товарлари ноқонуний олиб келиниши ва сотилишининг олдини олиш чора—тадбирлари тўғрисида»ги 257—сон қарорига биноан, 2002 йил 1 августдан бошлаб, товар хом ашё биржаларида Республикага истеъмол товарлари олиб келинишини на—зарда тутувчи битишувларни амалга ошириш тақиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасига, бундай ҳоллар аниқланган тақдирда, кўрсатиб ўтилган товарларни мусодара қилишга рухсат берилди.

## Ўзбекистон Республикасига товарлар олиб келиш ва уларни сотиш тартиби

«Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида», «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунларга биноан мамлакатимизга истеъмол товарларини олиб келиш ва сотиш тартибини янада такомиллаштириш ҳамда ички истеъмол бозорида рақобат муҳитини яратиш мақсадида

2002 йил 20 августда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Лицензиялашни бекор қилиш ҳамда истеъмол товарларини олиб келиш ва Ўзбекистон Республикасининг ички бозорида сотишни такомиллаш–тириш чора–тадбирлари тўғрисида»ги 295–сонли қарори қабул қилинди.

Ушбу қарорга биноан ҳозирга қадар мавжуд бўлган тайёр истеъмол товарларини импорт қилувчи корхоналар ва ташкилотларга сўмларни эркин муомаладаги валютага конвертация қилиш ҳуқуқини берувчи лицензиялар бериш бекор қилинди. Шу билан бирга 2002 йил 1 октябрдан бошлаб ижтимоий аҳамиятга эга бўлган, дори–дармонларни импорт қилувчи корхоналар ва ташкилотлар учун биржадан ташқари валюта бозорида хорижий валютани сотиб олишга ваколатли банкларга берилган ҳар чораклик лимитлар бекор қилинди.

2002 йил 1 октябрдан юридик ва жисмоний шахслар томонидан четдан тижорат мақсадларида олиб келинган товарлар учун мажбурий тартибда мувофиқлик сертификатлари олингандан кейингина эркин муомалага чиқарилади. Шу билан бирга савдо шахобчалари орқали чакана савдо фаолиятини амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахслар томонидан белгиланган солиқларни ўз вақтида тўлаш ва нақд савдо тушумини ҳар куни банкларнинг кассаларига мажбурий топшириш сингари талабларга риоя этилган тақдирда истеъмол товарларини Республикага импорт қилиш ва уларни сотиш ҳуқуқи берилади. Ушбу қарорга биноан четдан олиб келинган истеъмол товарларини юридик ёки жисмоний шахслар томонидан божхона расмийлаштирувини амалга оширишда ушбу товарларни сотиш билан шуғулланувчилар (дистрибьюторлар)нинг рўйхатини тақдим этиш кўзда тутилган. Товарларни сотувчи шахобчаларда эса, албатта, назорат касса машиналари бўлишлиги таъкидланган.

Шунингдек, савдо шахобчаларига улгуржи товарлар–нинг берилиши юридик ёки жисмоний шахс бўлишидан

қатъий назар нақд пулсиз ҳисоб–китоб қилиш тарзида сотилиши кўзда тутилган.

Ушбу қарорнинг 6–бандига биноан 2002 йил 1 сен–тябрдан бошлаб, импорт истеъмол товарлари тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтказилган, экспорт–импорт опера–цияларини ҳамда чакана савдони амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган жисмоний шахслар томонидан Республика ҳудудига товарлар улар томонидан олиб келинганлигини, мувофиқлик сертификатларини, божхона тўловлари ва қатъий белгиланган солиқ тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлган тақдирдагина назорат касса машиналари қўлланилмасдан сотишга рухсат берилади.

Шу билан бирга Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси, солиққа оид жиноятларга қарши кураш департаменти ҳамда ҳокимликларга буюм бозорларида истеъмол товарларини сотишнинг кўрсатиб ўтилган тартибига риоя этилиши устидан қатъий назорат ўрнатиш топширилган.

Маълумки, илгари четдан келтирилган товарларни сотиш чоғида жисмоний шахслардан ҳеч қандай ҳужжат талаб қилинмас эди. Бундан фойдаланган баъзи сохта тадбиркорлар, истеъмолчилар ҳуқуқларига зид тарзда сифатсиз истеъмол товарларини олиб келишлари мумкин эди. Бу билан сохта тадбиркорлар истеъмолчиларнинг ҳақ–ҳуқуқларини поймол қилишлари билан бирга, импорт товарларини харид қилишлари учун Республикамиздан эркин алмаштириладиган валюта (ЭАВ)ларни олиб чиқиб кетишар эди. Улар олиб келаётган импорт товарларининг кўп қисмини Республикамизга яширинча, божхона назоратини четлаб ўтиб ноқонуний савдони амалга оширишлари учун ҳам маълум даражада имкон мавжуд эди. Натижада нафақат давлат бюджетига, балки маҳаллий товар ишлаб чиқарувчиларга ҳам катта зиён етказилиб, миллий сифатли товарларимизни рақобат қилиш даражаси пасайтирилар эди. Буларнинг барчаси мамлакат хазинасига тушиши мумкин бўлган маблағларни ўз ўрнига тушишига ҳалақит берувчи ҳолат эди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган ушбу қарорларда божхона тўловлари тўлашни соддалаштириш ҳамда мувофиқлик сертификатларини тақдим этишни мажбурий тарзда жорий этиш орқали истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кўзда тутилган. Шу билан бирга барча тўловларнинг қонуний тўланишини таъминлашга эришиш орқали давлат хазинасини қонуний бойитиш назарда тутилган. Бозорларда эркин рақобатни ташкил этиш орқали мамлакатимизнинг товар ишлаб чиқарувчилари учун ҳам катта имкониятлар очиб берилган.

Қуйидаги мисолларда юридик ва жисмоний шахслар томонидан олиб келинаётган товарлардан божхона тўловларини ҳисоблаш тартиби ҳамда юридик ва жисмоний шахслар томонидан янги тартиб бўйича божхона тўловлари тўлашдаги ўзаро яқинлашиш, яъни бозор иқтисодиётига асосланган эркин рақобат бозори шаклланаётганига гувоҳ бўлишимиз мумкин.

## Юридик шахслар томонидан олиб келинаётган товарлар учун божхона тўловларини ҳисоблаш 3–мисол

Юридик шахс Германияда ишлаб чиқарилган ҳар донаси 5 литрдан иборат бўлган полни бўяш учун 1393 дона банка бўёқни Россиядан олиб келмоқда. 1 дона банкадаги бўёқнинг ҳисоб варақдаги нархи 110 рубл. Йўл харажати 12 минг рубл. Курс бўйича 1 рубл – 40 сўм. 1 АҚШ доллари – 800 сўм.

Ушбу ноозиқ–овқат маҳсулотини божхона расмийлаштирувидан ўтказилганда, қуйидагича божхона тўловлари ҳисобланади.

**Товарнинг божхона қиймати (Бқ)ни** топиш учун товарнинг ҳисоб варақдаги (1393 х 110 рубл = 153230 рубл) нархига йўл харажатлари (12000 рубл)ни қўшамиз. Яъни:

Бқ = 153230 рубл + 12000 рубл = 165230 рубл

Германия давлати ўртасида «Энг қулай савдо» келишуви имзоланган (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1998 йил 8 апрелдаги 426—сонли йўриқнома). Унга биноан ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 31 мартдаги 137—сонли қарорига асосан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 31 майдаги 189—сонли қарорининг 1—иловасида кўрсатилган ставка бўйича импорт божи олинади.

8000000 сўм х 30% = 2400000 сўм

3. Товарнинг божхона қиймати Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2002 йил 5 мартда рўйхатга олинган 1101—сонли йўриқномага асосан ҳисобланиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 17 июндаги 215—сонли қарорининг иловасида кўрсатилган акциз солиғи ставкалари бўйича шакар учун 20% ундирилади.

8000000 сўм х 10% = 800000 сўм

4. Товарнинг божхона қийматига ҳисобланган импорт божи ва акциз солиғи суммаси қўшилишидан ҳосил бўлган 11200000 сўмдан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2002 йил 15 апрелда рўйхатга олинган 1124—сонли йўриқномага асосан 20% миқдорда қўшилган қиймат солиғи ундирилади.

11200000 сўм х 20% = 2240000 сўм

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 20 сентябрдаги 327—сонли қарорига асосан юридик шахслар томонидан истеъмол товарлари олиб келинганда амалда қўлланилаётган тўловлар билан бирга товарнинг божхона қийматидан эркин алмаштириладиган валютада 20% миқдорда йиғим олинади.

8000000 сўм х 20% = 1600000 сўм

Демак, юридик шахс томонидан Германияда ишлаб чиқарилган ва олиб келинаётган 10000 ЕВРО божхона қийматидаги шина ва покришка маҳсулотидан жами 16000 сўм +2400000 сўм +800000 сўм +2240000 сўм +1600000 сўм= = 7056000 сўм миқдорида божхона тўловлари ундирилади.

II. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 27 сентябрдаги 335 – сонли қарорига асосан Германияда ишлаб чиқарилган ва олиб келинаётган 8000000 сўм божхона қийматидаги шина ва покришка маҳсулотидан қуйидаги божхона тўловлари ҳисобланади.

1. Товарнинг божхона қиймати (Бқ)дан божхона расмийлаштируви учун 0,2% миқдорда йиғим олинади.

8000000 сўм х 0,2% = 16000 сўм

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 27 сентябрдаги 335 – сонли қарорига асосан жисмоний шахслар томонидан тижорат мақсадида четдан олиб келинаётган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1148 – сонли рақам билан рўйхатга олинган «Ягона божхона тўловларини ҳисоблаш ва давлат бюджетига ўтказиш тартиби ҳақида»ги Низомнинг иловасида кўрсатилган ноозиқ – овқат товарларининг божхона қийматидан 70% миқдорда ягона божхона тўлови ҳисобланади.

8000000 сўм х 70% = 5600000сўм

3. Товарнинг божхона қийматидан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан 2002 йил 5 мартда рўйхатга олинган 1101 – сонли йўриқномага асосан ҳисобланиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 17 июндаги 215 – сонли қарорининг иловасида кўрсатилган акциз солиғи ставкалари бўйича шакар учун 20% ундирилади.

8000000 сўм х10% = 800000 сўм

Демак, жисмоний шахс томонидан Германияда ишлаб чиқарилган ва олиб келинаётган 8000000 сўм божхона қийматидаги шина ва покришка маҳсулотидан жами 16000 сўм + 5600000сўм + 800000 сўм = 6416000 сўм миқдорида божхона тўловлари ундирилади.

Жисмоний шахслар томонидан ўз эҳтиёжлари учун четдан олиб келинаётган товарларга 1000 АҚШ доллари эквивалент қийматида бож тўловларисиз расмийлаштириш имтиёзи қўлланилади.

4243/6

## Тадбиркорга буюм бозорида назорат–касса машиналарисиз савдо қилиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатлар

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 20 августдаги «Лицензиялашни бекор қилиш ҳамда истеъмол товарларини олиб келиш ва Ўзбекистон Республикасининг ички бозорида сотишни такомиллаштириш чора–тадбирлари тўғрисида»ги 295–сонли қарорида четдан олиб келинган товарларни сотишда назорат–касса машиналарисиз савдо қилинганда талаб этиладиган хужжатлар рўйхати эълон қилинган. Ушбу қарорга биноан буюм бозорларида импорт истеъмол товарларини назорат–касса машиналарисиз сотиш фақат юридик шахс ташкил этмасдан якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтказилган ва экспорт–импорт жараёнларини ҳамда чакана савдони амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган жисмоний шахслар томонидан республика ҳудудига товарлар улар томонидан олиб келинганлигини, мувофиқлик сертификатларини, божхона тўловлари ва қатъий белгиланган солиқ тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар бўлган тақдирда рухсат берилади.

## Импорт истеъмол товарларини юридик ва жисмоний шахслар томонидан олиб кириш ва сотиш тартиби тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 августда қабул қилинган «Банкдан ташқари пул маблағлари айланмасини янада қисқартириш чора–тадбирлари тўғрисида» ги 280–сонли қарори ва 2002 йилнинг 20 августда қабул қилинган «Лицензияларни бекор қилиш ҳамда истеъмол товарларини олиб келиш ва Ўзбекистон Республикасининг ички бозорида сотишни такомиллаштириш чора–тадбирлари тўғрисида» ги 295–сонли қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган «Импорт истеъмол товарларини юридик ва жисмоний шахслар

томонидан улгуржи ва чакана сотиш тартиби тўғрисида» Адлия вазирлигидан 2002 йил 31 августдаги 1169–сонли рақам билан рўйхатта олинган Низомга кўра истеъмол товарлари импорти, импорт истеъмол товарларини улгуржи ва чакана сотиш қоидаларининг юридик ва жисмоний шахслар томонидан бир хилда тушунилишини таъминлаш–дан иборат.

## I. Истеъмол товарларини улгуржи сотиш билан шуғулланувчи хўжалик субъекти сифатида рўйхатдан ўтказиш тартиби

Юридик шахслар ва якка тадбиркорлар (юридик шахс ташкил этмасдан белгиланган тартибда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар) истеъмол товарларини улгуржи сотиш учун маҳалий давлат ҳокимияти органларида рўйхатдан ўтишлари, яъни истеъмол товарларини улгуржи сотиш ҳуқуқини берувчи сертификат олишлари шартдир.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан 1–иловага мувофиқ шаклда бериладиган истеъмол товарларини улгуржи сотиш ҳуқуқини берувчи сертификатни олиш учун қуйидагилар зарур бўлади:

а) юридик шахс ўзи давлат рўйхатидан ўтган жойдаги давлат ҳокимияти органига қуйидагилар илова этилган талабномани тақдим этади:

–юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтгани тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси;

–тегишли моддий–техника базасига эгалигини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхаси;

–сотиш ҳуқуқини олиш учун йиғим тўланганлиги ҳақидаги гувоҳлик берувчи банк ҳужжатлари нусхаси;

–ўз дистрибьюторларининг 2–иловага мувофиқ шаклдаги рўйхати.

Ушбу низомга мувофиқ назорат касса–машиналари билан жиҳозланган турғун савдо шахобчасига эга бўлган,

дистрибьюторлик битими тузган юридик ва жисмоний шахслар дистрибьютор деб ҳисобланадилар.

б) якка тадбиркор ўзи давлат рўйхатидан ўтган жойидаги давлат ҳокимияти органига (яшаш жойидаги) қуйидагилар илова қилинган талабномани тақдим этади:

—юридик шахс ташкил этмаган якка тадбиркорнинг давлат рўйхатидан ўтган гувоҳнома нусхаси;

—банк ҳисоб—китоб рақами ва муҳрнинг мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжат;

—сотиш ҳуқуқини олиш учун йиғим тўлангани тўғрисида гувоҳлик берувчи банк ҳужжати нусхаси;

—ўз дистрибьюторларининг 2—иловага мувофиқ шаклдаги рўйхати;

Сертификат тегишли ҳужжатлар топширилган санадан бошлаб беш кун ичида аризада кўрсатилган, ўн икки ойдан кўп бўлмаган муддатга берилади. Сертификат берилгани учун тўлов ундирилмайди.

## II. Юридик ва жисмоний шахслар томонидан истеъмол товарларини импорт қилиш тартиби

Истеъмол товарлари импорти юридик шахслар томонидан белгиланган тартибда тузилган ва рўйхатдан ўтказилган импорт шартномалари асосида амалга оширилади. Истеъмол товарлари импорти юридик шахс ташкил этмасдан якка тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтган ва экспорт—импорт операциялари ҳамда чакана савдони амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган жисмоний шахслар томонидан амалга оширилади.

Импорт истеъмол товарларини улгуржи сотиш билан шуғулланадиган юридик ва жисмоний шахслар учун истеъмол товарларини улгуржи сотиш ҳуқуқини берувчи сертификат ҳам зарурдир. Бунда товар хом ашё биржасида республикага истеъмол товарларни келтиришни назарда тутадиган битимни амалга ошириш тақиқланади.

Республикага истеъмол товарларини импорт қилиш ва сотишни амалга ошириш ҳуқуқига қуйидаги меъёрларга

мажбурий равишда риоя қилган юридик ва жисмоний шахслар эга бўладилар:

—божхона чегараси орқали истеъмол товарларини олиб ўтишда божхона тўловлари ва қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа мажбурий тўловлар ҳамда йиғимларни ўз вақтида ва тўлиқ тўлаш;

—олиб келинаётган истеъмол товарларига мувофиқлик сертификатини тақдим этиш;

—қонун ҳужжатларида белгиланган солиқ тўлаш тўғрисидаги қоидаларига қатъий риоя қилиш;

—чакана сотишда нақд савдо тушумини ҳар куни банкларнинг кассаларига мажбурий топшириш.

Истеъмол товарлари импорти ва уларни улгуржи сотиш билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахслар божхона расмийлаштирувида белгиланган шаклга мувофиқ ўз расмий дистрибьюторлари рўйхатини тақдим этадилар.

2002 йилнинг 1 октябрдан бошлаб юридик ва жисмоний шахслар томонидан тижорат фаолияти Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига барча истеъмол товарлари олиб келинишига амалдаги қонун ҳужжатларига биноан мажбурий мувофиқлик сертификати тақдим этилган тақдирда йўл қўйилади.

## III. Импорт қилинган истеъмол товарларини юридик ва жисмоний шахслар томонидан улгуржи сотишни амалга ошириш тартиби

Товарлар туркумини улгуржи харидорга сотиш учун сақлаш, тўплаш, саралаш ва жамлашни таъминлайдиган моддий—техника базасига эга бўлган юридик шахслар улгуржи савдо билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Импорт товарларининг улгуржи савдоси амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ фақат авваддан мажбурий ҳақ тўлашни назарда тутадиган олди—сотди шартномалари асосида нақд пулсиз ҳисоб—китоб бўйича амалга оширилиши мумкин. Улгуржи сотиш, товарларнинг улгуржи савдоси субъектлари томонидан фақат:

—унинг расмий эълон қилинган дистрибьюторлари томонидан;

— турғун савдо шахобчалари орқали чакана савдони амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахслар томонидан, назорат касса—машиналаридан мажбурий фойдаланиш шарти билан амалга оширилади. Бунда сотувчи шартнома тузиш чоғида харидордан унинг назорат касса—машинаси билан жиҳозланган турғун савдо шахобчага эгалиги тўғрисида ахборот олиши шарт.

Юридик ва жисмоний шахсларга ўзларининг дистрибьюторлари сифатида эълон қилинмаган, шунингдек назорат касса—машиналари билан жиҳозланган турғун савдо шахобчаларига эга бўлмаган юридик ва жисмоний шахсларга импорт истеъмол молларини улгуржи сотишни амалга ошириш *тақиқланади*.

## IV. Юридик шахслар томонидан импорт истеъмол товарларини чакана сотиш тартиби

Импорт қилинган истеъмол товарларининг чакана савдоси юридик шахслар томонидан фақат турғун савдо шахобчалари орқали назорат касса—машиналаридан мажбурий фойдаланиш шарти билан амалга оширилади. Товарларни улгуржи савдо корхоналаридан, шунингдек бевосита улгуржи—чакана савдо корхоналарнинг савдо базалари ва омборхоналаридан чакана сотишга йўл қўйилмайди.

Товарларни харидорларнинг шахсий эҳтиёжлари учун нақд пулсиз ҳисоб—китоб бўйича майда улгуржи тартибда сотиш савдо корхоналари томонидан ўтган ойдаги ойлик товар умумий ҳажмининг 10% миқдорида амалга оширилади.

Бунда товарларни майда улгуржи тартибда сотишни ҳисоблаб чиқиш ҳар бир ой учун алоҳида амалга оширилади.

Товарларни чакана савдо корхоналари томонидан ижтимоий соҳа ташкилотлари ва муассасалари учун

(болалар даволаш муассасалари, қариялар уйлари, болалар уйлари, ногиронлар уйлари, ўқув ва билим юртлари) умумий товар айланиши ҳажмининг 10% дан ортиқ миқдорда нақд пулсиз ҳисоб–китоб бўйича майда улгуржи тартибда сотилишига рухсат берилади.

## V. Импорт истеъмол товарларини жисмоний шахслар томонидан чакана сотиш тартиби

Республика буюм бозорларида импорт истеъмол товарлари фақат юридик шахс ташкил этмасдан якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтказилган ва импорт–экспорт операциялари ҳамда чакана савдони амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган жисмоний шахслар томонидан республика ҳудудига товарлар улар томонидан олиб келинганлигини, солиқ тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат мавжуд бўлган тақдирда сотилишига белгиланган тартибда йўл қўйилади. Бунда уларга истеъмол товарларини назорат касса–машиналари қўйилмасдан сотишга рухсат берилади.

Буюм бозорларида импорт истеъмол товарларини мазкур товарларнинг импортёрлари бўлмаган якка тадбиркорлар томонидан сотилиши тақиқланади.

Импорт истеъмол товарларини жисмоний шахслар томонидан турғун савдо шахобчалари орқали чакана сотиш фақат назорат касса–машиналаридан мажбурий фойдаланиш шарти билан амалга оширилади.

Якка тадбиркорлар томонидан турғун савдо шахобчалари орқали фақат якка тадбиркорлик фаолияти маҳсулотлари, уларнинг ўзлари томонидан импорт қилинган товарлар ва улгуржи импортёрдан сотиб олинган импорт истеъмол товарлари сотилиши мумкин.

### Савдо қоидаларини бузганлик ва нақд пул маблағларини ўз вақтида инкассация қилмаганлик учун жавобгарлик

Юридик шахслар томонидан халқ истеъмоли товарларини улгуржи сотиш тартибининг бузилиши Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 19 мартдаги 125—сонли қарорида белгилангандек, савдо қоидаларининг бузилиши деб ҳисобланади ва хўжалик субъектларидан шу фаолиятидан олинган ҳамма даромад (фойда) ва ўша миқдордаги жарима айбдор мансабдор шахсларни қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортган ҳолда ундириб олинади.

Савдо ташкилотлари томонидан вино—арок маҳсулотларининг улгуржи ва чакана савдоси қоидалари бузилгани учун ушбу фаолиятдан олинган ҳамма даромад (фойда) ва ўша миқдордаги жарима давлат бюджети даромадига ўтказилади, айбдор раҳбарлар ва мансабдор шахслар эса амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортиладилар.

Аҳоли билан нақд пул ҳисоб—китобларни турғун савдо ва хизмат кўрсатиш шахобчалари орқали амалга оширувчи якка тадбиркорларга нисбатан қуйидаги молиявий жазо чоралари қўлланилади:

Нақд пул тушуми билан қоплаш ҳолати аниқланган тақдирда солиқ органининг қарорига биноан, белгиланган тартибда, қопланган нақд пул тушуми миқдорида жарима солинади;

Назорат касса—машиналарини қўлламасдан, квитанциялар ёзиб берилмай, талонлар, чипталар ва уларга тенглаштирилган чеклар берилмасдан савдо қилинганда ва хизмат кўрсатилганда ҳамда бундай ҳужжатларни ёзиб бериш ёки бериш мажбурий бўлганда, энг кам ойлик иш ҳақининг 20 баробари миқдорида жарима ундирилади. Жарима жазоси қўллангандан сўнг бир йил ичида такроран ҳуқуқбузарлик содир этилган тақдирда, ундирилган сумма бюджет даромадига йўналтирилган ҳолда,

энг кам ойлик иш ҳақининг 40 баробари миқдорида жарима ундирилади.

Савдо ва хизмат кўрсатишни назорат касса – машиналарини қўлланмасдан, квитанция ёзиб бермай, талон, чипталар ёки бошқа уларга тенглаштирилган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тасдиқлаган шаклга кўра қатъий ҳисобот ҳужжатлари ҳисобланган чекларсиз аҳоли билан нақд пулга ҳисоб – китобларни амалга оширувчи юридик шахслардан, бундай ҳужжатларни ёзиб бериш ёки бериш мажбурий бўлганда энг кам ойлик иш ҳақининг 100 баробари миқдорида жарима ундирилади. Жарима жазоси қўлланилгандан кейин бир йил ичида қайта ҳуқуқбузарлик содир этилган тақдирда ундирилган сумма бюджет даромадига йўлантирилган ҳолда энг кам ойлик иш ҳақининг 200 баробари миқдорида жарима ундирилади.

Носоз назорат касса машинаси таъмирлашда бўлган даврда турғун савдо шахобчалари орқали савдо фаолиятини амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахслар савдо ва хизмат кўрсатишда аҳоли билан квитанция ёзиб бериш, талон, чипталар ёки бошқа уларга тенглаштирилган, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган шаклга биноан қатъий ҳисобот ҳужжатлари ҳисобланган чеклар бериш йўли орқали нақд пул ҳисоб – китобини амалга оширишлари шарт.

Нақд пул ҳисоб – китобини амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахслар томонидан нақд пул тушуми билан қоплаш ҳолати аниқланган тақдирда, солиқ органларининг қарорига биноан белгиланган тартибда қопланган нақд пул тушуми миқдорида жарима солинади.

**Импорт истеъмол товарларини юридик ва жисмоний шахслар томонидан олиб кириш ва сотиш тартиби тўғрисидаги Низомга 1–илова**

• Улгуржи савдо билан шуғулланувчи субъект номи ДСИ: солиқ тўловчиларнинг рақами
•• (СТР)нинг рўйхатдан ўтиш жойи ва санаси

**Улгуржи савдо қилувчи дистрибьюторларнинг рўйхати**

| | Дистрибьюторлар | | | | Дистрибьюторнинг доимий савдо шахобчаси | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | Номлари | Почта адреси • | СТР (солиқ тўловчининг рақами) •• | Чакана савдо қилиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатнинг номери ва санаси | Жойлашган манзили (адрес) | Назорат–касса машинаси: Номери ва тури | Назорат–касса машинаси: ДСИда рўйхатга олинган рақами ва санаси |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |

М.Ж. ____________ ________________________________
(имзо) (юридик шахснинг Ф.И.Ш. хусусий тадбиркорни)

• Жисмоний шахслар учун – фамилияси, исми, шарифи.
•• Жисмоний шахслар учун – фамилияси, исми, шарифи.

**Импорт истеъмол товарларини юридик ва жисмоний шахслар томонидан олиб кириш ва сотиш тартиби тўғрисидаги Низомга 2–илова**

Ҳокимият ______________________ туман (шаҳар)

**СЕРТИФИКАТ №______**

______________________________________________
(юридик шахсни номи ёки хусусий тадбиркорларнинг Ф.И.Ш. кўрсатилади)

Импорт истеъмол товарларини улгуржи сотиш ҳуқуқи берилади. Ушбу сертификат амал қилиш муддати
«____» 200____ йилдан «______» 200____ йилгача

М.Ж. ____________ ________________________________
Имзо (Ф.И.Ш.)

«____» ____________ 200___ й.

## Товарларнинг келиб тушиши ва сотилишини ҳисобга олиш дафтарини юритиш

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Молия вазирлигининг 2002 йил 14 июндаги 67 — сонли ва 2002 — 59 — сонли қарорларида кўрсатилган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2002 йил 20 июнда 1150 — сонли рақам билан рўйхатга олинган «Жисмоний шахслар томонидан импорт товарларининг келиб тушиши ва сотилишини ҳисобга олиш тартиби»га асосан юридик шахс ташкил этмасдан якка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти билан экспорт — импорт операцияларини, чакана ва улгуржи савдони амалга ошириш билан шуғулланувчи жисмоний шахслар олиб келган товарларини сотиш учун белгиланган тартибга асосан рўйхатдан ўтишлари шарт.

Якка тартибда тадбиркорлик билан шуғулланувчи хусусий тадбиркор четдан олиб келган товарининг келиб тушиши ва сотилишини ҳисобга олиш дафтарини юритишлари шарт. Ушбу дафтарнинг шакли 1 — иловада кўрсатилган.

Импорт товарларининг келиб тушиши ва сотилишини ҳисобга олиш дафтарининг варақларига тартиб рақами қўйилиб, ип билан тикилган ҳолда хусусий тадбиркор рўйхатдан ўтган жойдаги солиқ инспекциясининг муҳри билан тасдиқланган бўлиши шарт. Импорт товарларининг келиб тушиши ва сотилишини ҳисобга олиш дафтарини юргизиш учун асос бўлиб, божхона расмийлаштируви учун қўлланиладиган ҳужжатлар ва ҳисоб варақлари ҳисобланади, улар ушбу дафтар билан бирга сақланади.

Импорт товарларини улгуржи савдоси амалга оширилганда импорт товарларининг келиб тушиши ва сотилишини ҳисобга олиш дафтарининг тегишли банди қуйидаги 2 — иловада кўрсатилган шаклга асосан тўлдирилади.

Импорт товарларини чакана савдоси амалга оширилганда ушбу дафтарнинг «Чакана савдо» деган тегишли 3 — банди тўлдирилади.

Қуйидаги ҳолатда ҳисобга олиш дафтарига тегишли ёзув қайд этиб борилади:

— олиб келинган импорт товарлар ҳақидаги маълумот — импорт товарларини сотишгача бўлган даврда;

— товарлар устидан улгуржи — савдо амалга оширил — ганда — ҳисобварақни тўлдириб бориши билан;

— товарлар чакана савдода сотилганда — иш кунининг якунида.

Ҳисобварақ икки нусхада тўлдирилади. Биринчи нусхаси харидорга берилади, иккинчи нусхаси ўрнатилган тартиб бўйича сотувчида сақланади.

Якка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи — импортерни импорт товарини сотиш учун асос бўлувчи ҳужжатлар:

—товар олиб келинганлиги, божхона юк декларацияси (БЮД) ёки божхона қонунчилигига кўра унинг ўрнини босувчи ҳужжатлар;

—божхона кирим ордери (БКО) орқали ягона божхона тўловини нақд пул ҳолатида эркин алмаштириладиган валюта (ЭАВ)да тўланганда ёки нақд пулсиз ҳолатда тўлов топшириқномаси.

## Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сотиб олинган импорт товарларни қайта сотиш тартиби

Якка тартибдаги тадбиркорлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида олинган импорт товарларини қайта сотиш учун сотувчидан Ўзбекистон Республикасига олиб келинган импорт товарни тасдиқловчи ҳужжатлар ва божхона тўловларини тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни олиши шарт.

Ушбу ҳужжатларга якка тартибда тадбиркор томонидан ёзилган ҳисобварақ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида импорт товарларни сотганлиги тўғрисида ёки юридик шахслар томонидан импорт товарларини сотганлик тўғрисидаги белгиланган шаклдаги юк хати киради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 майдаги 154—сонли, 2002 йил 27 сентябрдаги 335—сонли қарорларига асосан жисмоний шахслар томонидан тижорат мақсадида олиб келинаётган озиқ—овқат ва ноозиқ—овқат товарларидан ягона божхона тўловини ундириш жорий этилди

Қуйидаги 1—3—жадвалларда ушбу товарлар туркуми кўрсатилмоқда.

**1—жадвал**

Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигининг 2002 йил 31 майдаги 63—, 02/8—14, 2261 — сонли қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2002 йил 10 июлда 1148—сонли рақам билан рўйхатга олинган «Ягона божхона тўловларини ҳисоблаш ва давлат бюджетига ўтказиш тўғрисида»»ги Низомга асосан божхона расмийлаштирувини амалга ошириш учун жисмоний шахслар томонидан тижорат мақсадида келинаётган озиқ—овқат маҳсулотлари туркумига кирувчи товарлар

**РЎЙХАТИ**

| Тур Кум | ТИФ ТН бўйича Товарлар коди | Туркумларнинг номланиши |
|---|---|---|
| 01 | 0101—0105; 010619100 (010190910; 100190990 дан ташқари) | Тирик ҳайвонлар |
| 02 | 0201—0210 | Гўшт ва истеъмол гўшт маҳсулотлари |
| 03 | 0301—0307 (030110 дан ташқари) | Балиқ ва қисқичбақасимонлар, малюскалар ва бошқа умуртқасизлар |
| 04 | 0401—0409 (040811200, 040819200, 040891200, 040899200 дан ташқари) | Сут маҳсулотлари; парранда тухум—лари; табиий асал; ўзга юртларда номланган ҳайвонлардан тайёрланган истеъмол маҳсулотлари. |
| 05 | 0504 | Ўзга юртларда номланмаган ёки киритилмаган ҳайвонлардан тайёр—ланган маҳсулотлар |

| | | |
|---|---|---|
| 07 | 0701—0714 | Сабзавотлар, баъзи бир истеъмолга яроқли илдизмевалар ва туганак мевалар |
| 08 | 0801—0814 | Истеъмолга яроқли мевалар ва ёнғоқлар; полиз ёки цитрусли ўсим—ликларнинг пўсти ва илдизлари |
| 09 | 0901—0910 | Кофе, чой, моте (парагвай чойи), хушбўй дамламалар |
| 10 | 1001—1008 | Бошоқли ғалла ўсимликлари |
| 11 | 1101—1108 | Ёрма, ун тортишга оид маҳсулотлар ишлаб чиқариш саноати, солод, крахмал, инулин, буғдойдаги оқсил модда |
| 12 | 1202, 1206, 1208 | Мойли уруғлар ва мевалар; бошқа уруғлар, мевалар ва донлар; доривор ўсимликлар ва техник мақсадларда ишлатиладиган ўсимликлар; похол ва ем—хашак |
| 15 | 1501—1518 (1503, 1505 шунингдек, саноат ишлаб чиқаришда ва техник мақсад—ларда ишлатила—диган ёғлар билан бирга, озуқабоп саноат маҳсу—лотларидан ташқари ) | Ҳайвонлар ёки ўсимликлар ёғлари ва мойлари, уларнинг куйдирилгани; тайёр истеъмол ёғлари; ҳайвонлар ёки ўсимликлардан тайёрланган мумлар |
| 16 | 1601—1605 | Гўшт, балиқлар ёки қисқичбақа—симонлар, малюскалар ҳамда бошқа умуртқасиз сув ҳайвонларидан тайёрланган маҳсулотлар |
| 17 | 1701—1704 | Шакар ва шакардан тайёрланган қандолат маҳсулотлари |
| 18 | 1801—1806 | Какао ва какаодан тайёрланган маҳсулотлар |
| 19 | 1901—1905 | Дон ва бошоқлар, ун, крахмал ёки сутдан тайёрланган тайёр маҳсу—лотлар; унли қандолат маҳсулотлари |

| | | |
|---|---|---|
| 20 | 2001—2009 | Сабзавотлар, мевалар, ёнғоқлар ва ўсимликларнинг бошқа қисмларидан қайта ишланган маҳсулотлар |
| 21 | 2101—2106 | Ҳар хил истеъмол маҳсулотлари |
| 22 | 2201—2209 (2207 дан ташқари) | Уксус, алкоголли ва алкоголсиз ичимликлар |
| 25 | 250100911, 2501009919 | Туз; олтингугурт, тупроқ ва тош; пардозлов материаллари, оҳак ва цемент |

**2—жадвал**

## БОЖХОНА РАСМИЙЛАШТИРУВИНИ АМАЛГА ОШИРИШ УЧУН ОЗИҚ—ОВҚАТ ТУРКУМИГА КИРУВЧИ АЙРИМ ТОВАРЛАР

## Р Ў Й Х А Т И

| ТИФ ТН бўйича коди | Маҳсулотлар тури | Ўлч. бир. | Ягона божхона тўлови | |
|---|---|---|---|---|
| | | | % | АҚШ $/бир. |
| 0805 | Цитруслик мевалар, янги қуритилган | кг | 50 | 0,18 дан кам эмас |
| 080810 | Олмалар | кг | 50 | 0,15 дан кам бўлмаган |
| 151710 | Маргарин (суюқ маргариндан ташқари) | кг | 50 | 0,30 дан кам бўлмаган |
| 180632 | Таркибида какао бўлган, шоколад ва бошқа тайёр озиқ—овқат маҳсулотлар брикетларда, пластинкаларда ёки плиткаларда, қиёмсиз | кг | 50 | 1,00 дан кам бўлмаган |
| 180690 | Шоколад ва таркибида какао бўлган бошқа тайёр озиқ—овқатлар. | кг | 50 | 1,00 дан кам бўлмаган |
| 190531300 — 190532900 | Ширин, қуруқ печеньелар таркибида 8% ва ундан ортиқ ёғли, вафли, қиёмли ёки қиёмсиз, тўла ёки қисман шоколад ва таркибида какао бўлган бошқа маҳсулотлар билан қопланган | кг | 50 | 0,50 дан кам бўлмаган |

3–жадвал

## БОЖХОНА РАСМИЙЛАШТИРУВИНИ АМАЛГА ОШИРИШ УЧУН НООЗИҚ–ОВҚАТ ТУРКУМИГА КИРУВЧИ ТОВАРЛАР РЎЙХАТИ

| ТИФ ТН бўйича коди | Маҳсулотлар тури | Ўлч. бир. | Ягона божхона тўлови | |
|---|---|---|---|---|
| | | | % | АҚШ $/бир. |
| 271019810 – 271019970 | Ҳар хил мойлар кг | кг | 90 | 0,90 дан кам бўлмаган |
| 3209 | Бўёқ ва лаклар (шу жумладан эмаль ва политралар) синтетик полимерлардан ёки табиий кимёвий модификациялаштирилган полимерлардан тайёрланган, диспергиялаштирилган ёки сувда эритилган | кг | 90 | 0,54 дан кам бўлмаган |
| 330510000 | Шампунлар | кг | 90 | 1,80 дан кам бўлмаган |
| 330520000 – 330530000 | Сочларни силлиқлайдиган ва турмаклайдиган воситалар | кг | 90 | 1,26 дан кам бўлмаган |
| 330590900 | Соч учун бошқа воситалар | кг | 90 | 0,90 дан кам бўлмаган |
| 330610000 | Тишлар ва оғиз бўшлиғини тозалайдиган, тиш протезларини қотирадиган паста ва кукунлар, тиш тозалаш воситалари | кг | 90 | 1,80 дан кам бўлмаган |
| 392020 | Пропиленнинг полимерларидан тайёрланган плиталар, листлар, плёнка ва ленталар | кг | 90 | 1,17 дан кам бўлмаган |
| 392043 – 392049 | Винилхлорид полимерларидан тайёрланган плиталар, листлар ва фольга | кг | 90 | 0,81 дан кам бўлмаган |

3. Белгилаб қўйилсинки, мазкур қарорнинг 1 – бандига мувофиқ юридик шахс ташкил этмасдан экспорт – импорт операцияларини амалга ошириш, улгуржи ва чакана савдо қилиш ҳуқуқи билан якка тартибдаги тадбиркорлар сифатида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган жисмоний шахслар томонидан олиб келинган товарларни сотиш товарларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилганлигини ва божхона тўловлари тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлган тақдирда амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги билан биргаликда ўн кун муддатда ягона божхона тўловини ундириш ва унинг суммасини давлат бюджетига ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

Бунда табақалаштирилган ставкалар қўлланилиши назарда тутилсин, улар олиб келадиган товарларнинг физик ўлчов бирликлари ва божхона қиймати билан ўзаро мувофиқлаштирилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Адлия вазирлиги билан биргаликда товарларнинг хусусиятидан, миқдоридан ва уларнинг Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтилиши даражасидан келиб чиқиб товарларнинг олиб келиниши мақсадини аниқлаш тартибини бир ой муддатда ишлаб чиқсин;

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда олиб чиқилган ва олиб кирилган товарлар ҳажмларининг божхона органларида электрон ҳисобга олиниши тизимини ишлаб чиқсин ва жорий этсин (маълумотлар ҳар чоракда солиқ органларига берилган ҳолда).

6. Давлат солиқ қўмитаси Назорат—тафтиш бош бошқармасининг Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси ҳузуридаги солиққа оид жиноятларга қарши курашиш департаментининг мансабдор шахсларига Ўзбекистон Республикаси назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши билан келишган ҳолда:

—импорт қилувчи жисмоний шахсларда тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб келинишини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжудлигини режадан ташқари текшириш ҳуқуқи берилсин. Кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар мавжуд бўлмаган тақдирда товар мусодара қилинади;

—алкоголли маҳсулотлар ва тамаки маҳсулотлари сотувчи улгуржи ва чакана савдо субъектларида, шунингдек умумий овқатланиш субъектларида алкогол маҳсулотлар ва тамаки маҳсулотлари белгиланган тартибга мувофиқ сотилишини режадан ташқари текшириш ҳуқуқи берилсин.

Бунда ҳар чоракда Вазирлар Маҳкамасига мазкур банднинг бажариш натижалари тўғрисида ахборот тақдим этилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлари ва идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқувчи ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С.Азимов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг**
**Раиси** **И.Каримов**

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 11 июлдаги ПФ–3105 сонли Фармони

### Ўзбекистон Республикаси ҳудудига истеъмол товарлари олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига истеъмол товарлари олиб келинишини тартибга солиш мақсадида:

1. 2002 йилнинг 1 августидан бошлаб ноозиқ – овқат истеъмол товарлари олиб келадиган юридик шахслар учун истеъмол товарлари импортига амалдаги божхона тўловлари билан бир қаторда тўланадиган йиғим жорий этилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, 2002 йил 1 августидан бошлаб истеъмол товарларини олиб келиш чоғида юридик шахслар томонидан божхона тўловларини тўлаш бўйича имтиёзлар бекор қилинади, иловада кўрсатилган товарлар бундан мустаснодир.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасига божхона қонунчилигини бузган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига товарлар олиб келиниши фактлари аниқланган, жиноят аломатлари мавжуд бўлмаган тақдирда ҳуқуқбузарлик буюмларини мусодара этиш ҳуқуқи берилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда ушбу Фармонни амалга ошириш бўйича қарор қабул қилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ўзбекистон Республикасининг тегишли вазирликлари ва идоралари билан бирга ўн кун муддатда амалдаги қонунчиликка мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар бўйича таклифларни кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

6. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С.Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.Каримов**

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 11 июлдаги ПФ–3105–сон Фармонига илова**

Импорт қилинганида амалдаги қонунчиликка мувофиқ юридик шахслар томонидан божхона тўловларини тўлаш бўйича имтиёзлар сақланиб қоладиган истеъмол товарлари
РЎЙХАТИ

| | Товарларнинг номи | Божхона тўлови тури |
|---|---|---|
| 1 | Импорт бўйича олиб келинадиган дори–дармонлар ва тиббий аҳамиятдаги буюмлар | Қўшилган қиймат солиғи |
| 2 | Инсонпарварлик ёрдами сифатида олиб келинадиган товарлар | Қўшилган қиймат солиғи ва божхона божи |
| 3 | Олиб келинадиган компьютер техникаси ва унинг бутловчи қисмларининг дастурий воситалари | Қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи ва божхона божи |
| 4 | Эркин савдо тартиботи ўрнатилган давлатларда ишлаб чиқарилган ва олиб келинадиган товарлар | Божхона божи |
| 5 | Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати номидан ёки унинг кафолати остида тузилган ҳукуматлараро ва кредит битимлари бўйича етказиб бериладиган товарлар | Божхона божи |
| 6 | Кўргазмалар учун экспонатлар, реклама ва тақдимотлар сифатида олиб келинадиган товарлар | Божхона божи |
| 7 | Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги ёки халқаро шартномалари асосида божсиз олиб келиш ҳуқуқига эга бўлган хорижий давлатлар вакиллари, жисмоний шахслар томонидан расмий ёки шахсий фойдаланиш учун Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига олиб келинадиган товарлар | Божхона божи |

| | | |
|---|---|---|
| 8 | Жисмоний шахслар томонидан божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган ва божхона қонунчилигига мувофиқ ишлаб чиқариш ёки ўзгача тижорат фаолияти учун мўлжалланмаган товарлар | Божхона божи |

## Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 июлдаги 257–сонли қарори

## Республикага истеъмол товарлари ноқонуний олиб келиниши ва сотилишининг олдини олиш чора–тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига истеъмол товарлари олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида» 2002 йил 11 июлдаги ПФ – 3105 – сон Фармонини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Белгилансинки, ноозиқ – овқат истеъмол товарлари юридик шахслар томонидан импорт қилинганда йиғим ТИФ ТН кодидан ва товарнинг келиб чиқиш мамлакатидан қатъий назар товар божхона қийматининг 30 фоизи миқдорида эркин алмаштириладиган валютада ундирилади.

Кўрсатиб ўтилган йиғим миқдори товарларни олиб келишда қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқишда солиқ солинадиган базага киритилмайди.

2. 2002 йил 1 августдан бошлаб товар хом ашё биржаларида Республикага истеъмол товарлари олиб келинишини назарда тутувчи битишувларни амалга ошириш тақиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси кўрсатиб ўтилган операциялар божхонада расмийлаштирилишини тақиқласин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасига бундай ҳоллар аниқланган тақдирда кўрсатиб ўтилган

товарларни белгиланган тартибда мусодара қилишга рухсат берилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги бир ой муддатда Ўзбекистоннинг божхона чегараси орқали олиб келинадиган истеъмол товарлари рўйхатини ишлаб чиқсинлар ва тасдиқласинлар, бунда технология эҳтиёжлари учун товарлар ва ярим тайёр маҳсулотлар истисно қилинсин.

4. «Отчопар буюм бозори», «Карвон бозор», «Чорсу» бозори каби буюм бозорларида жисмоний шахслар томонидан сотиладиган барча импорт истеъмол товарларига республиканинг божхона чегараси орқали ўтишда улар рўйхатдан ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар, гувоҳнома тақдим этилиши тартиби белгилансин.

Юқорида кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар мавжуд бўлмаган тақдирда импорт истеъмол товарлари белгиланган тартибда олиб қўйилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига хорижий тажрибадан келиб чиққан ҳолда импорт истеъмол товарларини божхона чегараси орқали олиб ўтишнинг амалдаги механизмини такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритсин.

Шу билан биргаликда истеъмол товарларини олиб ўтиш ва божхонада расмийлаштиришнинг белгиланган нормалари ва тартиби бузилишига йўл қўяётган юридик ва жисмоний шахсларнинг масъулияти даражаси оширилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига қонун ҳужжатлари ва меъёрий – ҳуқуқ ҳужжатларига мазкур қарорлардан келиб чиқувчи ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С.Азимов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг**
**Раиси** **И.Каримов**

## Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 20 августдаги 295–сонли қарори

## Лицензиялашни бекор қилиш ҳамда истеъмол товарларини олиб келиш ва Ўзбекистон Республикасининг ички бозорида сотишни такомиллаштириш чора–тадбирлари тўғрисида

«Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида», «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ ва республикага истеъмол товарларини олиб келиш ва сотиш тизимини янада такомиллаштириш, ички истеъмол бозорида рақобат муҳитини яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ тайёр истеъмол товарларини импорт қилувчи корхоналар ва ташкилотларга сўмларни эркин муомаладаги валютага конвентация қилишнинг устувор ҳуқуқини берувчи лицензиялар бериш механизми бекор қилинганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. 2002 йил 1 октябрдан бошлаб ижтимоий аҳамиятга эга бўлган халқ истеъмол товарлари ва дори – дармонларни импорт қилувчи корхоналар ва ташкилотлар учун биржадан ташқари валюта бозорида хорижий валютани сотиб олишга ваколатли банкларга ҳар чораклик лимитлар бекор қилинсин.

3. Белгилансинки, 2002 йил 1 октябрдан бошлаб юридик ва жисмоний шахслар томонидан тижорат фаолияти учун Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига барча истеъмол товарлари олиб келинишига амалдаги қонун ҳужжатларига биноан мажбурий тартибда мувофиқлик сертификати тақдим этилган тақдирда йўл қўйилади.

4. Белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган барча юридик ва жисмоний шахсларга:

– божхона чегараси орқали истеъмол товарларини олиб келишда божхона тўловлари ва қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа мажбурий тўловлар ва йиғимларни ўз вақтида ва тўлиқ тўлаш;

– олиб келинаётган истеъмол товарларига мувофиқлик сертификатини тақдим этиш;

– турғун савдо шахобчалари орқали чакана савдо фаолиятини амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахслар томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган солиқларни тўлаш ва нақд савдо тушумини ҳар куни банкларнинг кассаларига мажбурий топшириш қоидаларига қатъий риоя қилиш каби халқаро амалиётда умумий қабул қилинган нормаларга риоя этилган тақдирда истеъмол товарларини республикага импорт қилиш ва уларни сотиш ҳуқуқи берилсин.

5. 2002 йил 1 сентябрдан бошлаб қуйидаги тартиб белгилансин, унга кўра:

– юридик ва жисмоний шахслар томонидан истеъмол товарлари тузилган шартномалар асосида фақат ўзининг расмий эълон қилинган дистрибьюторларига, шунингдек назорат – касса машиналаридан мажбурий фойдаланилган тақдирда турғун савдо шахобчалари орқали чакана савдо қилувчи юридик ва жисмоний шахсларга улгуржи сотилади;

– импорт истеъмол товарларини олиб келиш ва уларни улгуржи сотиш билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахслар рўйхатдан ўтказиш ва божхона расмийлаш–тирувида ўзининг расмий дистрибьюторлари рўйхатини тақдим этиши шарт;

— улгуржи савдо субъектларининг дистрибьюторлари назорат — касса машиналари билан жиҳозланган турғун савдо шахобчасига эга бўлишлари керак;

— истеъмол товарлари қонун ҳужжатларига мувофиқ юридик ёки жисмоний шахслар томонидан фақат нақд пулсиз ҳисоб — китоб қилиш шаклида улгуржи сотилади.

Юридик ва жисмоний шахслар ўзларининг расмий дистрибьюторлари сифатида эълон қилинмаган, шунингдек назорат — касса машиналари билан жиҳозланган турғун савдо шахобчаларига эга бўлмаган жисмоний шахсларга истеъмол товарларини улгуржи сотиши тақиқлансин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги улгуржи ва улгуржи — чакана савдо қилувчи юридик ва жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказишда кўрсатиб ўтилган тартибга қатъий амал қилсинлар.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси улгуржи сотиш учун импорт қилинаётган истеъмол товарларини божхонада расмийлаштиришда белгиланган тартибга қатъий риоя қилсин.

6. Белгилансинки, 2002 йил 1 сентябрдан бошлаб республиканинг буюм бозорларида импорт истеъмол товарлари фақат юридик шахс ташкил этмасдан якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтказилган ва экспорт — импорт операцияларини ҳамда чакана савдони амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган жисмоний шахслар томонидан республика ҳудудига товарлар улар томонидан олиб келинганлигини, мувофиқлик сертификатларини, божхона тўловлари ва қатъий белгиланган солиқ тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлган тақдирда сотилишига белгиланган тартибда йўл қўйилади. Бунда улар томонидан истеъмол товарларини назорат — касса машиналари қўлланилмасдан сотишга рухсат берилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси

Прокуратураси ҳузуридаги Солиққа оид жиноятларга қарши курашиш департаменти, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари буюм бозорларида истеъмол товарларини сотишнинг кўрсатиб ўтилган тартибига риоя этилиши устидан қатъий назорат ўрнатсинлар.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банки, тижорат банклари савдо қилувчи ташкилотлар томонидан белгиланган савдо қоидаларига риоя этилиши ва истеъмол товарларини сотишдан тушган нақд савдо тушуми ҳар куни банкларнинг кассаларига тўлиқ топширилиши устидан қаттиқ назорат ўрнатилишини таъминласинлар.

8. Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида 2003 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товар ёрлиқларида (этикетка-ларида) Ўзбекистон Республикасининг давлат тилида товарнинг хусусиятлари тўғрисидаги ахборот ва уларни қўллаш, улардан фойдаланиш бўйича йўриқномалар мавжуд бўлмаган эркин муомалага чиқаришга мўлжалланган истеъмол товарларининг айрим турларини олиб келиш тақиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, «Ўздавстандарт» маркази Ўзбекистон Республикасига импорт қилинадиган товарларнинг айрим турларини маркалаштириш тартиби тўғрисидаги низомни икки ҳафта муддатда ишлаб чиқсинлар ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар.

9. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси барча хўжалик юритувчи субъектлар томонидан монополияга қарши қонунчиликка қатъий риоя қилиниши, истеъмол товарлари бозорида рақобат муносабатлари самарали ишлаши, нархлар сунъий равишда оширилишига, ноҳалол рақобатга, энг аввало, товарларнинг тайёрланиш жойи, истеъмол хусусиятлари ва сифати юзасидан истеъмол-

чилар чалғитилишига йўл қўймаслиги устидан қатъий назоратни таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда 2002 йил 20 сентябргача бўлган муддатда:

- ижтимоий аҳамиятга эга бўлган истеъмол товарлари ва дори—дармонлар импортини тариф билан ва нотариф бошқариш тизимини жорий этишни;

- импорт истеъмол товарлари тендер асосида олиб келинишини назарда тутувчи механизмни ишлаб чиқсинлар ва жорий этсинлар.

11. Белгилансинки, юридик шахслар томонидан республикага технология хом ашёси, бутловчи узеллар ва буюмлар сифатида олиб келинаётганноозиқ—овқат товарлари Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 июлдаги 257—сон қарори билан белгиланган товар божхона қийматининг 30 фоизи миқдорида истеъмол товарлари импорти учун йиғимдан озод қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Молия вазирлиги, Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги бошқа манфаатдор тузилмалар билан биргаликда тайёр маҳсулотларни технология хом ашёси, бутловчи узеллар ва буюмлар қаторига киритишни аниқ чекловчи қоидани икки ҳафта муддатда ишлаб чиқсинлар ва тасдиқласинлар.

12. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, тижорат банклари, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда 2002 йил 1 декабргача бўлган муддатда Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизимини яратсинлар.

13. Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 18 июлдаги 305—сон қарорининг 2—банди ўз кучини йўқотган, деб ҳисоблансин.

14. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда норматив ҳужжатларга мазкур қарордан келиб чиқувчи ўзгартиришлар киритсин.

15. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў.Т.Султонов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг**
**Раиси** **И. Каримов**

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 20 сентябрдаги 327–сонли қарори**

**Вазирлар Маҳкамасининг «Республикага истеъмол товарлари ноқонуний олиб келиниши ва сотилишининг олдини олиш чора–тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 19 июлдаги 257–сон қарорига ўзгартиришлар киритиш ҳақида**

Истеъмол товарларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб келиш ва ички бозорда сотиш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. 2002 йил 23 сентябрдан бошлаб ноозиқ–овқат истеъмол товарлари юридик шахслар томонидан импорт қилинганда йиғим ТИФ ТН кодидан ва товарнинг келиб чиқиш мамлакатидан қатъий назар товар божхона қийматининг 20 фоизи миқдорида белгилансин.

Кўрсатиб ўтилган йиғим миқдори товарларни олиб келишда қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқишда солиқ солинадиган базага киритилмайди.

2. Белгилаб қўйилсинки, ноозиқ–овқат истеъмол товарлари импорт қилинганда ушбу қарорнинг 1–бандида кўрсатиб ўтилган йиғим хорижий валютага йиғим

тўланадиган кунда вужудга келган талаб ва таклифдан келиб чиққан ҳолда эркин курс бўйича миллий валюта — «сўм»да ундирилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси импорт бўйича олиб келинаётган истеъмол товарлари учун божхона тўловлари ва йиғимлар ундириш механизмини 2002 йил 1 октябргача бўлган муддатда пухта ишлаб чиқсинлар.

4. Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 июлдаги 257—сон қарорининг 1 банди ўз кучини йўқотган, деб ҳисоблансин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг**
**Раиси** **И. Каримов**

## Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 27 сентябрдаги 335—сонли қарори

## Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг Республика ҳудудига жисмоний шахслар томонидан товарлар олиб келинишини тартибга солишга доир айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

Ташқи савдо фаолиятини янада эркинлаштириш, жисмоний шахслар томонидан республика ҳудудига истеъмол товарлари олиб келиниши тартибини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. 2002 йил 1 октябрдан бошлаб жисмоний шахслардан ундириладиган ягона божхона тўлови ТИФ ТН

кодидан ва товарнинг келиб чиқиш мамлакатидан қатъий назар товарларнинг барча тоифалари бўйича божсиз олиб келиш нормалари қўлланилмасдан товар божхона қийматининг:

озиқ—овқат товарлари бўйича 40 фоизи (ундан ташқари);

ноозиқ—овқат товарлари бўйича 70 фоизи миқдорида тўланиши белгилансин.

2. Белгилансинки, жисмоний шахслар томонидан тижорат фаолияти учун мўлжалланган унни олиб келишда ягона божхона тўловининг ноль ставкаси сақлаб қолинсин.

3. Белгилансинки, 2002 йил 1 октябрдан бошлаб товарларни Ўзбекистон Республикасига олиб келишда жисмоний шахслардан ундириладиган ягона божхона тўлови хорижий валютага йиғим тўланадиган кунда вужудга келган талаб ва таклифдан келиб чиққан ҳолда белгиланган тартибга ва тасдиқланган ставкаларга мувофиқ эркин курс бўйича миллий валюта — «сўм»да тўланади.

4. Қуйидагилар:

Вазирлар Маҳкамасининг «Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида» 2002 йил 6 майдаги 154—сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ. 2002 й., 5—сон, 24—модда) 2—банди:

Вазирлар Маҳкамасининг «Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келинишини тартибга солишга доир қўшимча чора—тадбирлар тўғрисида» 2002 йил 12 июлдаги 248—сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ. 2002 й., 7—сон, 40—модда) 1—банди ўз кучини йўқотган, деб ҳисоблансин.

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси ва бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқувчи ўзгартиришлар ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С.Азимов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси** **И. Каримов**

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 6 ноябрдаги ПФ–3159 сонли Фармони

### «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига истеъмол товарлари олиб келишни тартибга солиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 11 июлдаги ПФ–3105 сонли Фармонига қўшимчалар киритиш ҳақида

Республиканинг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келиш чоғида божхона қонунчилигининг қатъий ва сўзсиз бажарилишини таъминлаш мақсадида:

1. «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига истеъмол товарлари олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 11 июлдаги ПФ—3105 сонли Фармонининг мазмуни қуйидагича бўлган 4—банд билан тўлдирилсин:

«4. Белгилаб қўйилсинки, 2002 йилнинг 10 ноябридан бошлаб божхона қонунчилигини бузган ҳолда катта ва алоҳида катта миқдордаги товарлар олиб ўтилган тақдирда, жисмоний ва юридик шахсларга тегишли бўлган товарлар ҳамда шундай мақсадларда фойдаланилган транспорт воситалари қонунчиликда белгиланган тартибда давлат мулкига ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси ушбу Фармоннинг қоидалари оғишмай

бажарилишини таъминласинлар, шунингдек ҳуқуқбузар-ликларнинг олдини олиш мақсадида жойлардаги давлат ҳокимияти органлари, оммавий ахборот воситалари билан биргаликда амалдаги қонунчиликнинг қоида ва талаблари ҳамда уларни бузганлик учун жавобгарлик аҳоли ўртасида кенг тушунтирилишини таъминласинлар».

2. Ўзбекистан Республикаси Президентининг 2002 йил 11 июлдаги ПФ—3105 сон Фармонининг 4, 5 ва 6-бандлари тегишли равишда 5, 6 ва 7-бандлари деб ҳисоблансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ўзбе-кистон Республикасининг манфаатдор вазирликлари ва идоралари билан бирга ўн кун муддатда амалдаги қонун-чиликка мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

4. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбе-кистон Республикаси Президентининг Давлат масла-ҳатчиси А.А. Азизов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Президенти** **И.Каримов**

**Шартли белгилар:**

1. БК Божхона кодекси
2. Бқ Божхона қиймати
3. ТИАВ Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги
4. ДБҚ Давлат божхона қўмитаси
5. ДСҚ Давлат солиқ қўмитаси
6. ТИФ Ташқи иқтисодий фаолият
7. ЭАВ Эркин алмаштириладиган валюта
8. БЮД Божхона юк декларацияси
9. ҚҚС Қўшилган қиймат солиғи
10. БКО Божхона кирим ордери
11. СТР Солиқ тўловчининг рақами
12. АҚШ $ Америка Қўшма Штатлари доллари

13. Дистрибьютор (distrbuie) – бўлиш, тарқатиш деган маънони англатувчи инглизча сўздан олинган бўлиб, четдан олиб келинган товарларни ўз ҳудуди доирасида тарқатувчи вакил тушунилади.

14. СИФ – (CIF – «қиймат суғурта ва фрахт») – товарларни етказиб бериш тижорат шарти бўйича сотувчининг мажбуриятига харидор мамлакатида жойлашган белгиланган манзилгача етказиб беришни англатади.

## Фойдаланиш учун тавсия этиладиган адабиётлар


1. Ўзбекистон Республикаси Божхона кодекси «Адолат», Тошкент 2000 йил.

2. Ўзбекистон Республикаси «Бож тарифи тўғрисида»ги қонун «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» Тошкент 1998 йил.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Товарлар экспортини соддалаштириш чора—тадбирлари тўғрисида» 1997 йил 10 октябрдаги 1871 — сонли Фармони.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи Фармонларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2002 йил 20 майдаги 3077 — сонли Фармони.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо фаолиятини эркинлаштириш тўғрисидаги чора--тадбирлар ҳақида" 1998 йил 31 мартдаги 137 — сонли қарори.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Божхона йиғимлари ҳақида" 1999 йил 30 апрелдаги 204 — сонли қарори.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Туркманистон автотранспорт воситаларидан ундириладиган йўл йиғимлари тўғрисида»ги 1999 йил 28 сентябрдаги 447 — сонли қарори.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Тожикистон ва Қирғизистон Республикалари автотранспорт ҳайдовчиларининг Ўзбекистон Республикасида учинчи шахс олдидаги фуқаролик жавобгарлиги тўғрисида»ги 2000 йил 18 февралдаги 59 — сонли қарори.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига чет эл автотранспорт воситаларининг кириб келишида қўлланиладиган қўшимча шартлар тўғрисида»ги 2000 йил 12 январдаги 11 — сонли қарори.

14. «Юридик ва жисмоний шахслар томонидан олиб келинаётган автомобиллар ва автомобиллар учун двигател билан бирга шасси учун акциз солиғи ставкалари тўғрисида» Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 25 июлдаги 316 – сонли қарори.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2002 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичларининг истиқболи ва Давлат бюджетининг параметрлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2001 йил 31 декабрь 490 – сонли қарорига ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги 2002 йил 17 июндаги 215 – сонли қарори.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасининг 2002 йилга мўлжалланган давлат бюджети параметрлари ва асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари» тўғрисида 2001 йил 31 декабрдаги 490 – сонли қарори.

12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 майдаги «Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар келтирилишини тартибга солиш тўғрисида»ги 154 – сонли қарори.

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Импортни тарифли бошқариш чора тадбирлари ҳақида"ги 2002 йил 31 майдаги 189 – сонли қарори.

14. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1998 йил 8 апрелда 429 – сон билан рўйхатга олинган «Эркин савдо» келишуви ўрнатилган давлатлар тўғрисидаги тартиб.

15. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1998 йил 8 апрелда "Энг қулай савдо» келишуви ўрнатилган давлатлар билан рўйхатга олинган 426 – ва унга қўшимча 1999 йил декабрда 426 – 1 – сонли рақам билан рўйхатга олинган тартиб.

16. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1999 йил 30 июлда «Товарларнинг келиб чиқиш мамлакатини аниқлаш тўғрисида"ги 787 – сонли рақам билан рўйхатга олинган тартиб.

17. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатга олинган 2000 йил 17 январдаги 787–1 сонли қўшимча тартиб.

18. «Ўзбекистон Республикасининг жисмоний шахслари томонидан божхона ҳудудига товарларни божсиз олиб кириш меъёри» ҳақидаги Адлия вазирлигида 1996 йил 10 сентябрда 279–сонли рақам билан рўйхатга олинган йўриқнома.

19.Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида «Импорт тартибида олиб кирилаётган товарларни расмийлаштириш учун божхона органларига тақдим этиладиган ҳужжатлар» номли 1998 йил 8 апрелда рўйхатига олинган 428– ва унга қўшимча 1998 йил 11 августда 428–1– сонли рақам билан рўйхатга олинган йўриқнома.

20. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1998 йил 13 мартда «Жисмоний шахслар томонидан олиб кириладиган акцизга оид товарларнинг акциз солиғисиз олиб кириш меъёри тўғрисида»ги 412–сонли рақам билан рўйхатга олинган йўриқнома.

21. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида «Божхона тўловларининг муддатини узайтириш ҳақида»ги 1999 йил 8 апрелда рўйхатга олинган 697–, 1999 йил 30 сентябрда 697–2–сонли рақам билан рўйхатга олинган йўриқномалар.

22. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1999 йил 27 июлда «Импорт божларини ундириш тартиби тўғрисида»ги 782– сонли рақам билан рўйхатга олинган йўриқнома ва 2000 йил 27 декабрда 782–1– сонли қўшимча йўриқнома.

23. «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт қилинадиган товарларга нисбатан қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиботи тўғрисида» Адлия вазирлигида 2002 йил 15 апрелда 1124–сонли рақам билан рўйхатга олинган йўриқнома.

24. «ЕИ мамлакатларида ишлаб чиқарилган ва олиб келинган текстил товарларга нисбатан импорт божи

ставкалари» Ўзбекистон Республикаси ДБҚнинг 1/8–02041ск сонли хати.

25. «Юридик ва жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилаётган алоҳида турдаги товарлар бўйича акциз солиғини тўлаш тартиби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2002 йил 5 мартда 1101–сонли рақам билан рўйхатта олинган йўриқнома.

26. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан 2002 йил 4 июнда «Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтиш кўламидан келиб чиқиб, товарларни олиб келишнинг мақсадларини аниқлаш тартиби тўғрисида»ги 1147–сонли рақам билан рўйхатта олинган Низом.

27. «Божхона юк декларациясини тўлдириш тартиботи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан 2002 йил 27 майда 834–5–рақам билан рўйхатта олинган йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қарор.

28. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига истеъмол товарлари олиб келишни тартибга солиш тўғрисида» 2002 йил 11 июлдаги ПФ–3105–сонли Фармони.

29. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Республикага истеъмол товарлари ноқонуний олиб келиниши ва сотилишининг олдини олиш чора–тадбирлари тўғрисида»ги 2002 йил 19 июлдаги 257–сонли қарори.

30. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келишини тартибга солишга доир қўшимча чора–тадбирлар тўғрисида» 2002 йил 12 июлдаги 248–сонли қарори.

31. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан 2002 йил 2 августда 1163–сонли рақам билан рўйхатта олинган «Юридик шахслар томонидан олиб келинаётган нозиқ–овқат истеъмол товарлардан йиғим ундириш тартиби», 1148–1 рақам билан рўйхатта олинган «Ягона божхона тўловини ҳисоблаш ва давлат бюджетига ўтказиш

тартибига қўшимча ва ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги Молия вазирлиги, ДБҚ ва ТИАВларининг қарорлари.

32. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2002 йил 25 сентябрда 1175—сонли рақам билан рўйхатга олинган «Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб келинаётган истеъмол товарларининг рўйхати».

33. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан 2002 йил 20 июнда 1150—сонли рақам билан рўйхатга олинган «Жисмоний шахслар томонидан импорт товарларини ҳисобга олиш ва сотиш тартиби тўғрисида»ги Низом.

34. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 20 августдаги «Лицензиялашни бекор қилиш ҳамда истеъмол товарларини олиб келиш ва Ўзбекистон Республикасининг ички бозорида сотишни такомиллаштириш чора—тадбирлари тўғрисида»ги 295—сонли қарори.

35. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 20 сентябрдаги «Республикага истеъмол товарлари ноқонуний олиб келиниши ва сотилишининг олдини олиш чора—тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 19 июлдаги 257—сон қарорига ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги 327—сонли қарори.

36. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 27 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг республика ҳудудига жисмоний шахслар томонидан товарлар олиб келинишини тартибга солишга доир айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори.

37. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2002 йил 25 сентябрда 1176—сонли рақам билан рўйхатга олинган «Юридик шахслар томонидан олиб кирилаётганноозиқ—овқат товарларга, технологик хом ашё сифатида импорт қилинаётган, бутловчи узеллар ва буюмларга сертификат бериш тартиби тўғрисида»ги Низом.

38. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2002 йил 31 августда 1169—сонли рақам билан

рўйхатта олинган «Импорт истеъмол товарларини юридик ва жисмоний шахслар томонидан олиб кириш ва сотиш тартиби тўғрисидаги»ги Низом.

39. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига истеъмол товарлари олиб келишини тартибга солиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 11 июлдаги ПФ–3105–сон Фармонига қўшимчалар киритиш ҳақида»ги 2002 йил 6 ноябрдаги ПФ–3159–сон Фармони.

40. Шораҳмедов Ш.Ш., Асқаров И.Р., Намозов А.А., Чориев М.Б. «Божхона қийматини аниқлашнинг 4–харажатларни айириш усулида иқтисодий–математик формулалардан фойдаланиш». «Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида божхона тизимини такомиллаштириш йўллари» мавзусидаги Республика илмий–амалий конференцияси материаллари ФТДК «ДИТАФ». Тошкент:. 2002 йил, 96–101 бет.

41. Шораҳмедов Ш.Ш., Комилов М.М., Намозов А.А., Холматов М. «Божхона инспекторининг ён дафтари», Тошкент:. ФТДК «ДИТАФ» 2001 йил, 168 бет.

42. Шораҳмедов Ш.Ш., Асқаров И.Р., Намозов А.А., Давлатов Ш.Р. «Ташқи иқтисодий фаолиятни бож тарифи орқали тартибга солиш» (дарслик), Тошкент:. «Ижод дунёси», 2002 йил, 548 бет.

43. Шораҳмедов Ш.Ш., Асқаров И.Р., Намозов А.А., Давлатов Ш.Р., Комилов М.М., Мовлонов Б.Қ. «Божхона фанларининг илмий асослари». Тошкент:. «Матбаа тонги», 2002 йил, 427 бет.

44. Шораҳмедов Ш. Ш., Намозов А. А., Асқаров Н.И. Ташқи савдони ривожлантиришда экспорт қилинадиган товарларни солиққа тортиш тартибини такомиллаштириш. «Халқаро иқтисодий муносабатларни ривожлантиришда солиқ мехнизми» мавзусига бағишланган халқаро илмий–амалий конференция материаллари. 268–бет.,Тошкент 2002 йил.

45. Асқаров И.Р., Намозов А.А. Жисмоний шахслар томонидан товарлар импорт қилинганда божхона расмийлаштирувини соддалаштирилган тартибининг

афзалликлари. «Халқаро иқтисодий муносабатларни ривожлантиришда солиқ механизми» мавзусига бағишланган халқаро илмий—амалий конференция материаллари. 278—бет.,Тошкент 2002 йил.

46. Намозов А.А., Асқаров Н.И. Ўзбекистоннинг халқаро иқтисодий муносабатларда импорт товарларини солиққа тортиш масалалари. «Халқаро иқтисодий муносабатларни ривожлантиришда солиқ механизми» мавзусига бағишланган халқаро илмий—амалий конференция материаллари. 283—бет.,Тошкент 2002 йил.

## МУНДАРИЖА

Кириш........................................................................ 3

Жисмоний шахслар томонидан товарлар олиб келишга қўйиладиган талаблар.............................. 5

Жисмоний шахслар томонидан тижорат мақсадида олиб келинаётган товарлар учун божхона тўловларини ҳисоблаш..............................6

Жисмоний шахслар томонидан тижорат мақсадида келтирилган товарларни инвентаризациядан ўтказиш тартиби ҳақида..................9

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига истеъмол товарлари олиб келиш тартиби ҳақида..............................9

Ўзбекистон Республикасига товарлар олиб келиш ва уларни сотиш тартиби.............................. 10

Юридик шахслар томонидан олиб келинаётган товарлар учун божхона тўловларини ҳисоблаш..............13

Юридик ва жисмоний шахслар томонидан олиб келинаётган товарлар учун божхона тўловларини ҳисоблаш..................................................15

Тадбиркорга буюм бозорида назорат—касса машиналарисиз савдо қилиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатлар..................................................18

Импорт истеъмол товарларини юридик ва жисмоний шахслар томонидан олиб кириш ва сотиш тартиби тўғрисида..............................18

Савдо қоидаларини бузганлик ва нақд пул маблағларини ўз вақтида инкассация қилмаганлик учун жавобгарлик..................................................24

Товарларнинг келиб тушиши ва сотилишини ҳисобга олиш дафтарини юритиш..................................................27

Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сотиб олинган импорт товарларни қайта сотиш тартиби.........28

Божхона расмийлаштирувини амалга ошириш учун озиқ–овқат туркумига кирувчи товарлар рўйхати......... 29

Божхона расмийлаштирувини амалга ошириш учун ноозиқ–овқат туркумига кирувчи товарлар рўйхати.........32

Жисмоний шахслар томонидан импорт товарларини ҳисобга олиш ва сотиш тартибига 1–илова......... 35

Жисмоний шахслар томонидан импорт товарларини ҳисобга олиш ва сотиш бўйича тартибга 2–илова.........36

Юридик шахслар томонидан олиб кирилаётган ноозиқ–овқат товарларга, технология хом ашё сифатида импорт қилинаётган, бутловчи қисмлар ва буюмларга сертификат олиш тартиби.........37

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2002 йил 25 сентябрда 1175–сонли рақам билан рўйхатга олинган четдан олиб келинадиган истеъмол товарлар рўйхати.........46

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 майдаги 154–сонли қарори.........63

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 2 июлдаги ПФ–3105 сонли Фармони.........66

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 11 июлдаги ПФ–3105–сон Фармонига илова.........67

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 июлдаги 257–сонли қарори.........68

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 20 августдаги 295–сонли қарори ..........70

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 20 сентябрдаги «Республикага истеъмол товарлари ноқонуний олиб келиниши ва сотилиши–нинг олдини олиш чора–тадбирлари тўғрисида»ги 2002 йил 19 июлдаги 257–сонли қарорига ўзгартириш–лар киритиш ҳақида»ги 327–сонли қарори ..........75

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 27 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг республика ҳудудига жисмоний шахслар томонидан товарлар олиб келинишини тартибга солишга доир айрим қарорларига ўзгарти–ришлар киритиш тўғрисида»ги 335–сонли қарори ..........76

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбе–кистон Республикаси ҳудудига истеъмол товарлари олиб келишни тартибга солиш тўғрисида «Ўзбе–кистон Республикаси Президентининг 2002 йил 11 июлдаги ПФ–3105–сонли Фармонига қўшим–чалар киритиш ҳақида»ги 2002 йил 6 ноябрдаги ПФ–3159–сонрли Фармони ..........78

Шартли белгилар..........80

Фойдаланиш учун тавсия этиладиган адабиётлар.......... 81

Солиқ ва божхона органлари Академияси
700138, Тошкент ш., Собир Юсупов кўчаси, 3.
Tel:75–56–92,
fax: 75–74–36
E–mail:SVBOA5 @Uzpak.Uz, WWW.akademiya.uz

Босишга рухсат этилди 12.11.2002 й.
Буюртма №76. Адади 1000. Босма табоғи 5,75.
Баҳоси келишилган нархда.
Фан ва технологиялар марказининг босмахонасида
чоп этилди. Тошкент, Олмазор 171-уй.

# Тузатиш

| т/р | бет | Сатр боши | ёзилган | ўқилсин |
|---|---|---|---|---|
| 1 | 16 | 3 рақамли | шакар | шина |
| 2 | 16 | 3 рақамли | 20% | 10% |
| 3 | 17 | 3 рақамли | шакар | шина |
| 4 | 17 | 3 рақамли | 20% | 10% |
| 5 | 26 | Импорт | 1-илова | 2-илова |
| 6 | 26 | Импорт | 2-илова | 1-илова |

3 330000 466764

4243/6